

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Н.Матхошимов, Э.Исаков Фарғона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси.....	203
А.Шерматов, А.Юсупова Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари.....	210
О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари.....	213
Х.Лутфуллаева Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўникмалари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти.....	217
И.Асқаров, Д.Ҳожиматова Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш.....	222
А.Шарафиддинов Фарғона водийси қишлоқларида халқ ғалаёнлари (XIX аср охири)	226
А.Ғаниев Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари.....	230
Х.Мухаммедова Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири.....	233
Х.Хаитов Фолчи ёки ромчи – қулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири.....	236
Г.Умаржонова Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шаклланиши.....	239
Л.Ғалимуллина Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлили.....	242
И.Аҳмаджонов Морфемик бирликларнинг вазифасига кўра таснифланиши.....	245
М.Саидакбарова Мангуликка дахлдор сўз.....	249
Д.Қаландарова Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси.....	252
И.Жўраев Бурч ва масъулиятнинг бадий-фалсафий талқинлари.....	256
Ф.Анварова, Н.Тоирова Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар	259

ТИЛЛАРДА СОМАТИК СЎЗЛАР ИШТИРОКИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

(Немис, ўзбек, рус тилларидаги "hand", "қўл", "рука" – сўзлари асосида)

ФОРМИРОВАНИЕ В ЯЗЫКАХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ С СОМАТИЧЕСКИМИ СЛОВАМИ

(На основе слов «hand», «қўл», «рука» в немецком, узбекском и русском языках)

THE FORMATION OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH SOMATIC WORDS IN LANGUAGES

(Based on the words "hand", "қўл", "рука" in German, Uzbek and Russian)

Умаржонова Гўзал Мухторовна¹

¹Умаржонова Гўзал Мухторовна

– Фаргона давлат университети, гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада турли тиллардаги соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг қандай шаклланиши, олимларнинг турли тиллардаги соматизмларнинг таърифи, луғат бойлигининг кўпайишидаги ўзгаришлар, ҳозирги кунда ушбу масалалар долзарб бўлиб келаётганлиги ҳақида сўз юритилиб, фразеологизмларнинг таҳлили немис, ўзбек, рус тиллари орқали берилмоқда.

Аннотация

В статье рассматривается формирование фразеологизмов с участием соматических слов в разных языках, определение соматизмов в разных языках, изменения словарного запаса языка, которые в настоящее время обсуждаются в немецком, узбекском и русском языках.

Annotation

The article discusses the formation of phraseological units with the participation of somatic words in different languages, the definition of somatisms in different languages, changes in the vocabulary of the language, which are currently being discussed in German, Uzbek and Russian languages.

Таянч сўз ва иборалар: фразеологизм, соматизм, луғат бойлиги, метафора, метонимия, структура, стилистика, лексик тизим, маъно, кўчим, парспротата, идентификатор.

Ключевые слова и выражения: фразеологизм, соматизм, словарный запас, метафора, метонимия, структура, стилистика, лексическая система, значение, переносность, парспротата, идентификатор.

Key words and expressions: phraseologism, somatism, vocabulary, metaphor, metonymy, structure, stylistics, lexical system, meaning, shift, parsprotata, identifier.

Тилларнинг луғат бойлигини йилма-йил бетўхтов кўпайиб бориши жаҳон тилшуносларининг доимо диққат марказида бўлган. Бу борада турли тиллар натижалари асосида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозирги кунда эса бу масала ўта долзарб масалага айланди. Чунки, баъзи бир тараққий этган тиллар луғат фонди миллионлаб янги бирликлар билан бойитилмоқда. Фан ва техниканинг шиддатли ривожини ҳар дақиқада янги-янги кашфиётларни ижод қилмоқда. Албатт, ҳар қандай янгилик янги сўз ёки ибораларнинг "туғилиши"га олиб келади. Ушбу янги "туғилган" сўз, термин, атама ва иборалар ўз навбатида лингвистик таҳлил қилишни тақозо этади. Маълумки, тилнинг луғат бойлиги асосан икки йўналиш имконияти

натижасида бойиб боради. Биринчиси, албатт, тилнинг ўз ички имконияти орқали, яъни тилнинг структурал-семантик хусусиятлари асосида, иккинчиси эса тилдан ташқари, яъни, экстралингвистик жиҳатлар ёрдамида ўзга тиллар таъсирида ўзлаштириш орқали.

Биз ушбу мақоламизда тиллардаги сўз ва иборалар бойлигининг кўпайиши тилларнинг ички ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган фразеологизмлар шаклланиши тўғрисида фикр юритамиз. Сўз ясалишида ҳар бир тилнинг бир қатор ўз ички имконияти мавжуддир. Масалан, янги сўзларни суффикс ва аффикслар орқали кўшма сўзлар яшаш орқали ёки метафорик ёки метонимик кўчимлар орқали ҳамда шу каби бир қатор ўзга имкониятлари мавжуд.

Шу билан бирга алоҳида таъкидлаш керакки, тил луғат бойлигининг кўпайишидаги ўзгаришлар асосан лексик бирликлар сатҳида олиб борилди. Бидамизки, тилнинг луғат бойлиги нафақат лексик бирликлардангина ташкил топган, балки ҳар қандай тилда минглаб турғун сўз бирикмалари мавжудки, улар ҳам луғат бойлигининг бир қисмини ташкил қилади. Улар, яъни, турғун сўз бирикмалар хусусида ўтган асрнинг иккинчи ярмида ҳамда сўнгги 20-30 йил мобайнида дунё тилшунослари томонидан бир қатор фундаментал ишлар олиб борилди. Тиллардаги фразеологик иборалар тавсифланди, бир қатор монографиялар ва диссертациялар ёзилди, бир, икки ва кўп тилли фразеологик луғатлар тузилди. Лекин, шу билан бирга фразеологик ибораларнинг шаклланиш жараёни, уларнинг тилдаги луғат бойлигини оширишдаги аҳамияти ҳали-ҳануз алоҳида тадқиқларга тортилмаган. Дарвоқе, тиллардаги фразеологик ибораларнинг қандай тарзда шаклланиши уларнинг луғат бойлигида тутган ўрни, уларнинг семантик-стилистик хусусиятлари атрофлича ўрганилмай келаётир. Бу борада қуйидаги саволларга ҳам тўлиқ жавоб олинган эмас:

- Фразеологик иборалар нима сабабли ёки қачон тилларда пайдо бўлган?

- Лексик бирликлар орқали ифода этилмайдиган қандай ҳолатлар иборалар орқали тўлдирилади?

- Фразеологик ибораларнинг шаклланишида иштирок этган сўзлар – компонентларнинг роли, вазифаси ва аҳамияти қандай даражада?

- Фразеологик бирликларнинг вужудга келишида қандай лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар мавжуд?

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фразеологик иборалар тилда иккинчи бор шаклланаётган номинал бирликлардир. "[5.110-бет] Шу боисдан ҳам улар структураси ва семантикасида юз бераётган ўзига хослик алоҳида изланишни тақозо этади. Юқорида кўйилган саволлардан келиб чиққан ҳолда биз, ушбу мақоламизда тилларни соматизмлар ёрдамида қандай тарзда фразеологик ибораларнинг шаклланиши ҳақида фикр юритамиз.

Даставвал, икки оғиз "соматизм" атамаси ҳақида сўз юритсак. Маълумки, ушбу атама қадимги юнонча "σῶμα" (сома)

сўздан келиб чиққан бўлиб, у "тана" деган маънони англатади. Ҳозирги замон тилшунослигида мазкур атама турли тадқиқотлар томонидан гоҳо кенг, гоҳо тор маъноларда қўлланилиб келаётир. Бизнинг назаримизда немис тилшуноси С.Штаффелднинг соматизмга берган таърифи содда ва аниқ ифодаланган: "Somatismen (oder auch: somatische Phraseologismen) sind relativ feste polylexikalische sprachliche Einheiten mit mindestens einer Körperteilbezeichnung als einer ihrer Konstituenten"[1.456], яъни соматизмлар соматик фразеологизмларда турғун қўлланивчи тил бирлиги бўлиб, унинг таркибида тананинг камида бир қисмини ифодаловчи компонентлардан ташкил топган.

Дарвоқе, рус тили соматик фразеологизмлари ҳақида тадқиқотлар олиб борган олим Р.М.Вайнтраубнинг таъкидлашича, ҳар қандай тилнинг фразеологик таркибининг 30 фоизини соматик фразеологизмлар ташкил қилар экан[2.51-55]. Бизнингча, ушбу кўрсаткич соматик фразеологизмларни атрофлича, турли тиллар материаллари асосида таҳлил қилишни талаб этади. Бизнинг назаримизда, соматик фразеологизмларнинг юзага келиши, биринчидан, лексик тизимдаги семантик бўшлиқни тўлдириш бўлса, иккинчидан тана қисмларининг инсон ҳаёти, меҳнат фаолияти, турмуш тарзида ролининг аҳамиятлилигидир. Шу нуқтаи назардан, улар барча тиллар учун универсал ҳодиса сифатида эътироф этилади, гўё тилнинг пайдо бўлишидаги паралингвистик элементларнинг давомийлиги сақланиб қолгандай. Зеро, соматик фразеологизмлар кўпроқ инсон ҳис-туйғуларини, атроф-муҳитга бўлган муносабатини ифодалайди. Шу боисдан ҳам инсоннинг кундалик турмуш тарзида кўп қўлланиладиган тил бирликларидан биридир. Бунга сабаб, профессор Л.И.Ройзензоннинг фикрича, «соматизмлар ички шаклга эга, яъни, фразеологик маъно ва унинг компонентнинг ҳақиқий қиймати ўртасида боғлиқлик мавжуддир»[3.54-63]. Чунки, тана қисмлари ёрдамида қилинган ҳаракатлар, имо-ишоралар, мимика, ҳиссиётлар, кўриш, эшитиш, овқатланиш, инсон ташқи кўриниши ва шунга ўхшаш бир қатор бошқа ҳолатлар тасвири фразеологик маънонинг

шаклланишида асосий ролни касб этади. Мисол учун, немис тилида - "Hand", ўзбек тилида - "Қўл", рус тилида - "Рука" лексемалари иштирокидаги фразеологизмлар таҳлили профессор Л.И.Ройзензоннинг фикрини тасдиқлайди. Немис тилидаги:

- "jmdm. rechte Hand sein";
- фразеологизми ўзбек тилида:
- "бировнинг ўнг қўли бўлмоқ";
- рус тилидаги
- "быть правой рукой кого-л" [4.487]

каби айнан ўхшаш ибораси мавжуд.

Маъно ва шакл жиҳатдан бир хил бўлган ушбу фразеологизмларнинг шаклланишида албатта, инсон учун ўнг қўлнинг аҳамиятли бўлганлиги фразеологик ички боғлиқлиги ташкил қилади. Лекин бу образли кўчим, яъни, "қўл" – parsprototo – бутунликка айланмоқда – кимгадир қадрли, ишончли қурол, шахс сифатида.

Ушбу тушунча ўзининг лексик идентификаторидан, яъни, "ёрдамчи, ишончли" сўзларидан ўзининг маъно кенглиги қўшимча семаларга стилистик бўёқдорлиги билан фарқланади. Шу боисдан ҳам тилларнинг семантик "дунё"сидан ўз ўрнини эгаллаган.

Қуйидаги немис, ўзбек ва рус тилларидаги фразеологик иборалар юқорида таъкидлаган фикримизни тасдиқловчи асос бўлиши мумкин:

- *alle Hände voll zu tun haben* – жуда банд бўлмоқ – *быть занятым по горло.*

- *eine milde / offene Hand haben* – сахий, очикқўл бўлмоқ – *быть щедрым.*

- *aus erster Hand* – биринчи қўл – *из первых рук.*

Шундай фразеологик бирликлар борки, уларни оддий бир сўз билан тилларда ифодалашнинг имконияти йуқ. Масалан:

- *mit leere Händen gehen* – бўш қўл билан қайтмоқ – *уйти с пустыми руками;*

- *etw. leichter Hand machen* – бирор нарсани осонлик билан бажармоқ – *сделать что-л. с лёгкостью;*

- *aus freier Hand verkaufen* – эркин нархда сотмоқ – *продавать по свободной цене;*

- *unter der Hand kaufen* – яширин тарзда сотиб олмоқ – *купить из под полы(тайком);*

- *eine Hand wäscht die andere* – сиздан угина, биздан бугина – *рука руку моет.*

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, турли тиллардаги соматик фразеологизмлар тадқиқи назарий тилшуносликдаги кўплаб масалаларни ёритишда ўз аҳамиятига эга. Биринчидан, тиллардаги иккинчи номинациялар универсал хусусиятларини очади, иккинчидан, ҳар бир тилнинг ўзига хослигини аниқлашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Staffeld S., „Körper-Sprache: Zur Motiviertheit von Körperteilbezeichnungen in Phraseologismen“. In: Sprachwissenschaft, 33. 2008.
2. Вайнтрауб Р.М. О соматических фразеологизмах в русском языке / Р.М. Вайнтрауб // Лексические единицы русского языка и их изучение. – Ташкент, 1980. – С. 51–55.
3. Ройзензон Л.И., Абрамец И.В. Совмещенная омонимия в сфере фразеологии // Вопросы языкознания // 1969, №2.
4. Большой фразеологический словарь русского языка. Значение. Употребление. Культурологический комментарий / Под ред. В.Н.Телия. М.: АСТ-Пресс книга, 2006.
5. Умархаджаев М.И. Тил илми уммониға қўшилган томчи. Илмий мақолалар. -Т., 2013. // "Основы фразеологии", Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора филологических наук. –М., 1981.
6. „Deutsch-russisches Wörterbuch“. -М., 1971 / Под ред. А.А.Лепинг, Н.П.Страхова.
7. Duden „Redewendungen und Sprichwörter“, Redensarten: Wörterbuch.
8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1978.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))